


ТАЛЬИМ
ВА
ТЕХНОЛОГИЯ



2016 шайм

МАКТАБ МУСИҚА ТАЪЛИМИДА БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИНИ ЎРГАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Э.Абдукаримова, кўқитувчи – ЖДПИ, Т.Ражабов** – СамДУ

Республикамизда таълим-тарбия ишлари мазмунини илмий асоеда шакллантириши жаҳоннинг илғор мамлакатларида кенг қўлланилаётган янги технологик жараёнларни ўзлаштириш билан бир қаторда ҳалқимизнинг тарихий анъаналари, маънавий ва маданий меросидан оқилона фойдаланиш кўлами, сифатига ҳамда самарадорлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Мустақилигимизнинг дастлабки йилиларидан таълимни миллий асосларда қайта куриш, таълим мазмунисида миллий қадриятларга етакчи эътибор қаратиш, жумладан, мусиқа таълимида ёшлиарни биринчи галда ҳалқ мусиқа меросини ўрганишига алоҳида эътибор берилди.

Миллий онг, миллий гуурур ва тафаккур энг аввало, миллий қадриятларимиз, тарихимиз, ҳалқимизнинг маданий ва моддий бойликларини ўрганиш, уларни асрар-авайлаш ва ривожлантириши негизида шаклланади. Бу борада ҳалқимизнинг миллий қадриятлари тизимида муҳим ўрин тутувчи ҳалқ мусиқа ижоди ва унинг ёш авлод маънавий, маданий ва эстетик камолотидаги ўрни ва аҳамияти бекасидир. Шунинг учун ҳам миллий мусиқа таълимининг бош максад ва вазифаларига мос равишда умумтаълим мактабларининг бошлангич синфларидан бошлаб ўқувчиларда ҳалқ мусиқа меросига қизиқиш, хавас, уни ўрганиш, кўйлашга иштиёқ ўргатиш бугунги кунда ҳам таълим тизими олдидағи энг муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Ҳалқ донишманчлигининг кўзгуси бўлган ўзбек ҳалқ мусиқа ижоди ўзининг гарбиявий имкониятлари ва ёш авлодни ҳалқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, руҳий олами, тарихи, урф-одат ва маросимлари, ўтмиш ва бугунги кунни геран англашларида алоҳида ўрин тутади. Шу боис умумий ўрта таълим мактаблари «Мусиқа маданияти фани 1-7-синф ўқув дастурларида ҳалқ мусиқа, ижодига оид маълумотлар ва намуналарга салмоқли ўрин берилган бўлсада, ўзбек ҳалқ мусиқа мероси ҳазинасида катталар олами билан кичик ешдаги болаларнинг маънавий ва эстетик оламини ўзида

үйгүнлаштырган болалар фольклор күшикларига эътибор анчайин суст эканлиги күринади.

Кичик ёшдаги болаларнинг психологик-физиологик хусусиятлари, уларнинг табизтида үйинга мөйисликтининг юкориличиги умумтаълим мактабларининг бошлангич синф мусика дарслеклари ва ўкув дастурида болалар фольклор күшиклари ва ҳалқ мусика ижоди намуналарида асосланыб замонавий композиторлар томонидан яратиластган болалар күшикларига янада кенгрок ўрин бериш заруратини вужудга келиради.

Мусика меросимиздаги болалар фольклор күшиклари ўз мазмунидаги болалар ҳасти, дунёкараши, турли үйиншар, айтишувлар билан боғлик жараёнларни ифода этиши билан ўкувчиларни тезда ўзига ром этади. Күшикларнинг содда шакида, никоятда ихчам, үйин-ракс характерига зғалиги билан болаларни рухий, маънавий дунёкарашыга мөс, тушунарли, ўрганиш ва куйлашта осонлиги каби хусусиятлари улардан кенг фойдаланиш учун қулайлик туғдиради.

Умумтаълим мактабларининг бошлангич синф мусика дарсларида ўкувчиларни ҳалқ мусика ижоди билан таништириб боришда болалар фольклор күшикларига эътиборни кучайтириш ўз навбатида юкори синфларда ҳалқ мусиқасининг жицдий ва муражаб турларига ижодий ва фаол муносабатни шакллантиришга қулай имконият яратади.

Бошлангич синфларда мусиқий таълимнин пойдевори яратилади. Таълимнинг илк машғулотларидан ўкувчилар мусика санъатининг жамият ва кишилар ҳастидаги ахамияти, бадий ифода тили, жанрлари, чөлғу созлари, ҳалқ ҳастиининг турли күришлари билан боғлиқлик хусусиятлари ва ижро этилиш холатлари билан танишиб борадилар. Айни вақтда назарий тушунча, амалий ижрочилик күнилма ва малакаларини ҳосил киладилар. Болалар фольклор күшикларини ўрганишнинг яна бир афзаллик томони уларни турли үйин, ракс характерлари билан ижро этилишига тегишли бўлиб, улардан дарснинг ритмик харакатлар бажариш фаолиятида фойдаланиш имконини беради, дарсни қизикарли, жонли ва муваффақиятли ўтишини таъминлайди.

Болалар фольклор үйин күшиклари юртимизнинг турли ҳудудлари маҳаллий аҳолисининг ўзига хос тарзда шаклланган маданияти санъати, меҳнат фаолияти, мавсум маросимлари билан боғлик бўлиб, улардан фойдаланишида қайси вилоят ва ҳудудларда кай тарзда ижро этилиш элементларига алоҳида эътибор бериш керак, акс холда күшиқни бадий киймати, эмоционал таъсирчанлиги саёзлашади.

Болалар фольклоридаги кўплаб үйин-күшиклар куйлаш билан бирга муайян жисмоний харакатларни бажаришга йўналтирилган бўлиб, болалар бу жараенда кўйилган мақсадга эришишга интилади. Такрорий ва изчил суръатдаги бундай машғулотлар болаларни ҳам рухий, ҳам маънавий, ҳам жисмоний такомилига ижобий таъсирни кўрсатади. Кўринадики бундай фаолиятда ўкувчиларда мусиқий ижрочилик күнилма ва малакалари билан бир вактда чакконлик, катъиятлилик, топқирлик ва ижрочилик фазилатлари таркиб топади.

Болалар фольклор қүшиқларини үрганиш жараёнида қуйидаги жиҳатларини алоҳида эътиборда тутиш мақсадга мувоғик бўлади

- ўрганилаётган намунани танлашга жиҳдий ёндошиш лозим. Бунда ўқувчиларнинг сини, психологияк-физиологик хусусиятларига кўра асарнинг ўйинбоплиги, шўх, кувноқ, муайян ракс ва жисмоний харакатлар билан боғлик холда ижро этиш ҳолатини эътиборга олиш;
- қўшиқни болаларнинг куйлаш имкониятларига (овоз диапозони, овоз кучи, вокал-хор малакалари) мослигига;
- қўшиқ матнини тушунарлилiği, гоявий-бадиий мазмунини тарбиявий таъсирчанликка эгалигига;
- асарларни ўрганиш ва ижро этиш учун мавжуд шарт-шароитларга тўғри келишилгига.

Асар ўрганишда:

- ўрганилаётган қўшикка нисбатан ўқувчиларда муайян қизикиш уйғотиш (сұхбат, хикоя);
 - қўшиқни ўқитувчи томонидан чолғу сози жўрлигига ижростиш;
 - асарнинг гоявий-бадиий мазмунини таҳлил қилиш;
 - қўшиқ оҳанги, парда – тузуги, шакли, характеристи, ижро этилиш тарзи ҳакида тушунча бериш;
 - қўшиқни кичик булакларга булиб ўрганиш;
 - қўшиқни үзига хос ижрочилик услуги (маҳаллий услуга, шева, кийим), тематикаси (мавсум, маросим, урфо-одат, табиат, ўсимликлар, хайвонотлар олами) билан боғлиқлик хусусиятларига болалар диккатини қаратиш;
 - қўшиқни бадиий ижроси устида ишлаш;
 - таассуротлар юзасидан сұхбат, савол-жавоб, баҳс-мунозара ўтказиш;
 - ижрони баҳолаш, холоса қилиш.

Мактаб мусика таълимида болалар фольклор қўшиқлари билан ишлашда тавсия этилган тамойилларга амал қиласан холда иш тутиш ўқувчиларни ҳалқ мусика ижодига қизикишларини барқарор тизимда ривожланишини таъминлайди, ҳамда миллий мусикий таълим мазмунини, миллий тафаккурни шакллантириш тамойили асосида амалига ошириш имкониятини мустаҳкамлайди

Фойдаланилган адабиёт:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият 2008
2. Соннова Д. Мусика ўқитиши назарияси ва методикаси. Ўқув кўлланма Т.: Фан ва технология, 2009
3. Қулратов И., Толлибоев Н. Бошланғич синф мусика дарсларида ҳалқ қўшиқларини ўргатиш методикаси. Услубий қўлланма. Т.: Фан, 2007
4. Нурматов Ҳ. Мусика ва эстетик маданият. Мусика ўқитувчилари учун методик тавсиялар. Т., Низомий номидаги ТДПИ, 1992

43	M.Yakubjonava. Informatikani o'qitishda chet tilidan foydalanishning ahamiyati	150
44	I.Meliqo'ziyev, M.Jo'rayev**, K.Meliqo'ziyeva**. Informatika va axborot texnologiyalari fanini o'qitishda innovatsion yondashuv	152
45	Ш.Ю.Жўраев. Aйrim учурчакларга оид масала.	154
46	Yu.T.Jo'rayev, Sh.Jo'rayev. Cheva teoremasining analitik isboti haqida	155
47	Yu.T.Jo'rayev, Sh.Jo'rayev. Uchburchaklar uchun eyler teoremasi va uning analitik isboti haqida	158
48	М.Умматова, Г.Носирова*, Ф.Жамолиддинова*. Логическое мышление как необходимое условие развития математических способностей	160
49	H.To'raqulov. Ayrim nostonart tenglama va tengsizliklar yechish usuli haqida	163
50	Yu.T.Jo'rayev, Sh.Jo'rayev. Ikkinchi tartibli slundrlani tasnif qilish algoritmi haqida	165
51	D.Toshpolatova, X.Nabiyeva. O'quvchilarning bilish faoliyatini faollashutirish yo'llari	169
52	D.Toshpolatova, M.Usmanova*. Ksilofag hasharotlarga qarshi profilaktika kurash chora-tadbirlarini qo'llash	170
53	Н.М.Юсупов. Усимликларнинг экологик гурухлари	172
54	Усимликлар коплами	177
55	Н.М.Юсупов, О.Турдибоев*. Тупрок минераллашганлигини камайтиришда биоугитлардан фойдаланиши	181
56	Н.М.Юсупов. Усимликлар дунёсига ҳаво оқимининг таъсири	184
57	Н.М.Юсупов. Усимликлар дунёсига эдафик оминалар таъсири	187
58	А.Н.Нуритдинов, Л.Хуррамова*. Ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган асбоблар хамда уларни ишлатиш усуслари	191
59	O.I.Eshniyozov, L.Xurramova*. Kashtachilik asboblari hamda moslamalari	195
60	Б.Жаббаров, А.Абдуллаев**. Riшton кулолчилик санъати анъаналари	200
61	A.N.Nuritdinov, H.A.Nuritdinova. Rangtasvida natyurmort	203
62	A.N.Nuritdinov, H.A.Nuritdinova. Naturada rangtasvir jayayoni	207
63	И.Кудратов, Ф.Турсункулова**. Xalq mусиқаси – ўкувчи-ёшларда миллий тафаккурни шакллантириш омили	211
64	М.Муродов. Maktab mусиқа taъlimida xalq kўшикларini ўрганиш muамmo ва imkoniyatlari	214
65	S.Asqarova. Musiqa madaniyati fani o'qituvchisining AKTdan foydalanshi	216
66	Э.Абдукаримова, Т.Ражабов**. Maktab mусиқa taъlimida bolalar folklor kўшиklarini ўрганиш imkoniyatlari va muammolari	218
67	B.Boltayev, X.Nasriddinova. Ijodiy faoliyoti oshinishda musiqiy bilimlar uzviyligini ta'minlash yo'llari	221
68	B.Boltayev, X.Nasriddinova. Musiqa ta'lim-tarbiyasida umumiy	